Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 10 октябрь шанба

Сотувда эркин нархда № 201 (1982)

### БОРИС ЕЛЬЦИН:

## «ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН АЛОҚАЛАР РОССИЯ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИДИР»

*Аввал хабар берилганидек, шу йилнинг 11-12 октябрь кунлари Россия Федерацияси Президенти Б.Ельцин илк бор давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасида бўлади. Олий даражадаги музокараларни олиб бориш билан бирга, Россия Федерацияси раҳбарига ҳамроҳ бўлиб келадиган делегация аъзолари ўз ҳамкасблари билан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган амалий мулоқотларни ўтказишади. Шу билан бирга, икки томонлама ҳукуматлар ва идораларaро ҳужжатларнинг янги тўпламини имзолаш режалаштирилмоқда.*

*Мамлакатимизга давлат ташрифи арафасида Россия Федерацияси Президенти Б.Ельцин қатор, шу жумладан Ўзбекистон ахборот агентликлари саволларига жавоб берди. Қуйида «Жаҳон» ахборот агентлигининг саволларига берилган жавобларни эътиборингизга ҳавола этамиз.*

**— Ҳурматли Президент жаноблари, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро алоқалар дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига асосланган қадимий анъаналарига эга. Ўзбекистон билан Россия алоқаларининг ҳозирги аҳволи ва келажагига қандай баҳо берасиз?**

— Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон билан муносабатлар Россия учун МДҲ ҳудудидаги сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Биз уни биргаликда стратегик шериклик ва ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари деб таърифладик. Бу алоқалар негизида нафақат халқларимизнинг қадимий дўстлик анъаналари, ўзаро ҳурмати ва холисона хайрихоҳлиги, иқтисодий соҳадаги яқин муносабатлари, балки жаҳонда ва минтақада содир бўлаётган кўплаб жараёнларга бўлган муштарак қарашлар ҳам бордир.

Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги кўп режали муносабатлар чуқурлашиб, борган сайин тез ривожланиб бормоқда. Бу жараёнга шу йилнинг май ойида Москвада Президент Ислом Каримов билан ўтказган мазмунли музокараларимиз ҳақиқий туртки берди. Биз ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, хавфсизлик, ҳарбий-техникавий ва бошқа соҳалардаги шериклик алоқаларини мустаҳкамлашга келишиб олдик.

Бу каби барча йўналишларда ишлар кетаяпти. Хусусан, Тошкентга бўлажак ташрифим давомида имзоланиши мўлжалланаётган салмоқли ҳужжатлар тўплами тайёрланди. Улар қаторида Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги келгуси ўн йилликка мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш дастури ва шартномаси алоҳида ўринни эгаллайди.

Лекин яширмайман, бизда мавжуд бўлган имкониятларимиз ҳали катта. Биз янада якдиллик ва мувофиқлаштириш асосида ишлашимиз ва Россия—Ўзбекистон муносабатларида барча мавжуд салоҳиятлардан тўлиқ фойдаланишимиз керак. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ишига муҳим эътибор берилмоқда. Натижада мамлакатларимиз халқлари, қолаверса барча Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги манфаат кўради. Ва энг муҳими — минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик янада мустаҳкам бўлади.

**— Давлатлар ўртасидаги уйғун ва тўлақонли ҳамкорлик нафақат иқтисодий, савдо, илмий-техникавий соҳаларни, балки маънавий соҳани ҳам ўз ичига олади. Россия — Ўзбекистон муносабатидаги инсонпарварлик ва маънавий соҳалардаги алоқалар тўғрисида нималар дея оласиз?**

— Ўйлашимча, биз ҳали инсонпарварлик соҳасидаги алоқаларимизни ривожлантириш учун барча имкониятлардан фойдаланаётганимиз йўқ. Албатта молиявий-иқтисодий қийинчиликлар мавжуд. Шу билан биргаликда сусткашлик ва қовушмаслик ҳам бор.

Россия ва Ўзбекистон халқлари тарихан яқин алоқалар, кўп минглаб инсонларнинг ўзаро чатишиб кетган тақдири билан бирбирига боғлиқ. Бу маданий, илмий, маърифий, ахборот соҳаларида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш учун замин яратади. Мен бизнинг бу соҳалардаги анъанавий алоқаларимизнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши тарафдориман. Биз маданий, маърифий ва ахборот соҳаларидаги муштарак ҳамкорлигимизни сақлаб қолишимиз керак.

**«ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ.**





Мамлакатимизнинг жанубий қисмида деҳқончилик ишлари бошқа вилоятлардагига нисбатан бироз эрта бошланади. Шу сабаб ҳам Музробод тумани шоликорлари «қирмизи дон» ўримини анча эрта бошлашди. Тумандаги «Бешқўтон» хўжалиги Амударё соҳилида жойлашган бўлиб, асосан шоличиликка ихтисослашган. Хўжалик деҳқонлари бу йил ўзларига бириктирилган ердан 11 минг тонна хирмон кўтаришни ният қилишган. Бу эса гектаридан 45-50 центнердан ҳосил олиш демакдир.

**СУРАТЛАРДА: комбайнчи Нуриддин Хонназаров ва бригада бошлиғи Шайдулло Рустамов; бўлиқ бошоқлар.**

**И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## «МЕДИТЕКС» ИШГА ТУШИШ АРАФАСИДА

Мустақиллик йилларида республикамизда кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилди. Бугунги кунда улар самарали фаолият кўрсатмоқда. «Медитекс» Ўзбек-Италия қўшма корхонаси — шулардан бири. Бу ерда тез орада Италия технологияси асосида йилига 11,5 миллионга яқин стерилланган бинт ва ярани боғлаш материали ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Ана шу маҳсулотнинг маълум қисми чет элларга валюта ҳисобига экспорт қилиниши кўзда тутилган. Бу эса қўшма корхонага ўрнатиладиган замонавий асбоб-ускуналар ва қурилмаларни харид қилиш, шунингдек, мазкур техника билан ишловчи мутахассисларни тайёрлаш учун Европа Тикланиш ва тараққиёт банкидан олинган кредитни ўз вақтида тўлаш ҳамда Ўзбекистонга валюта олиб келиш имконини беради.

Унинг қулайликларидан яна бири шуки, Ўзбекистон аҳолиси учун янги иш жойлари барпо этилади, муҳими, улар янги технология асосида мустақил ишлашни ўрганадилар.

Қўшма корхонани ташкил этишда италияликлар билан бирга «Маҳаллий саноат» уюшмаси ва «Ўзтибтехника» акционерлик компанияси мутахассислари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Келгусида республикада пахта толасидан янги-янги тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

**Рихсиниса УСМОНОВА.**

## ФЕРМЕРЛАР УЧУН КОМБАЙНЛАР

*Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги Ал-Хоразмий номидаги жамоа хўжалигида кўргазмали семинар ва "Янмар" фирмасининг митти ғалла комбайнлари тақдимоти бўлди. Бу тадбирларни республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари Ўзбекистон бозорида ишлаётган Япония саноат ва савдо компанияларининг вакиллари билан биргаликда ўтказди.*

— Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун мамлакатимиз бир неча йилдан буён Япония ҳукуматидан ҳар йили 400 миллион иен миқдорида ёрдам олмоқда, — деди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш бошқармаси бошлиғи И. Ҳайдаров. — Бу пулга тендер асосида деҳқонлар учун техника сотиб олинмоқда. Тендерда кўпгина хорижий фирмалар иштирок этмоқда. Масалан, уч йил давомида Японияниг "Класс" ғалла комбайнларини етказиб бераётган "Мицуи" компанияси ғолиб чиқди. Бу йил эса, "Янмар" митти комбайнлари афзал деб топилди. Улар тежамкорлиги ва донни нобуд қилмаслиги билан ажралиб туради. Тўғри, "Янмар" комбайнлари йирик ғаллазорларда "Класс" комбайнлари каби самарали ишлай олмайди. Лекин Ўзбекистонда фермерлар ҳаракати ривожланиб бормоқда, шу сабабли республикамизда бундай комбайнларга харидорлар топилади.

"Янмар" фирмаси республикамизга ҳозиргача 13 та комбайн етказиб берди. Шулардан тўққизтаси мамлакатимизнинг асосий шоли етиштирадиган вилоятларидан бири — Хоразм хўжаликларида ишлатилмоқда. Бу йилги шоли ўрими мавсумида деҳқонлар митти комбайннинг техникавий имкониятларини муносиб баҳоладилар. Тақдимот чоғида япон мутахассислари Бухоро, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги мутахассисларига ҳам митти комбайнни намойиш қилдилар.

**Т. ШАМАКОВ, ЎзА мухбири.**

### «ОБУНА-99»



## ЯҚИН СУҲБАТДОШ

*Ҳамма буюк ишлар, улкан қурилишлар, яратувчанлик, ризққа тўла далаларимизда тоғ-тоғ хирмон бунёд этиш, албатта, Сиз озод замондошимиз туфайлидир. Шу боис мамлакатимизнинг энг йирик нашрларидан бири «Халқ сўзи» саҳифаларида асосий мавзу — Инсон бўлиб қолади. Яъни Сизнинг манфаатларингиз, ўй-орзуларингиз олиб чиқилади.*

**«Халқ сўзи» халқники. Унинг маънавияти, қадр-қиммати ифодаланади бунда. Ҳар қандай тўқималардан холи, мавҳум ва сароб фикрлардан холис суҳбатдош истасангиз, юртимизнинг келажаги, Ватанимизнинг ҳамма йўналишлар бўйича ўсиб ва улғайиб бораётганидан воқиф бўлишни хоҳласангиз, «Халқ сўзи» газетаси билан бирга бўлинг.**

**Элимиз дастурхонининг тўкинлиги, Ватанимиз камолоти учун тиниб-тинчимаётган фидойи раҳбарлар, элим деб, юртим деб, ёниб яшаётган ҳар бир Инсоннинг хизмати «Халқ сўзи» газетасида мунтазам ёритилади.**

**Азизлар, обуна мавсуми давом этмоқда. 1999 йилимизда рўй беражак воқеалар ҳар биримизнинг тақдиримиз билан бевосита чамбарчас кечади, албатта.**

**Ҳаётнинг ўзига яраша янгиликлари, турли-туман воқеаларини бағрига олиб янги кун бошланади. Тонг отади. Ана шу беғубор, сокин тонг нафаси, кайфияти заминни тарк этмай туриб, тафсилотлар эшигини очган «Халқ сўзи»ни қўлга оласиз. Фикрингизни чархлайсиз. Маънавий чанқоқлик ҳовури босилади. Бу ҳеч нарса билан ўлчанмайдиган давлат. Шу давлатдан бебаҳра қолишни истамаган юртдошларимизга эса нашр кўрсаткичларимизни эслатиб ўтамиз:**

*Якка обуначилар учун — 166.*
*Ташкилотлар учун — 167.*

## «ДАВР»ДАГИ БИР ТАЖРИБА

*Дунёда нималар бўлмайди дейсиз. Доғистондаги бир овул оқсоқоллари чекиш ва ичишга қарши кураш бошладилар. Улар ичган ва чеккан одамга аввал жарима солишади, бу билан аҳвол ўзгармаса қишлоқда ўша одамни яшатиш-яшатмаслик масаласини кўриб чиқади. Балким, бу инсоннинг покликка, яхшиликка интилиши ифодасидир. Балким, бир овул тажрибасини бутун дунёга тарқатмоқ керакдир.*

*«Давр» ҳафталиги газетхонлар эътиборига ана шундай муждани ҳавола қилиш билан 11-сони саҳифалари бошланади.*

*Ҳафталикдан «Қўшиқ муборак бўлсин!», «Астраханда пахта ўсадими?», «Осмонўпар бинолар қулаганми?», «Башоратчи сеҳргарлар», «Сталиннинг пўлат сандиғи», «Майитни от топади», «Инсон тимсолини яратсам» каби мақолалар ҳам ўрин олган. Шунингдек, қизиқарли хабарлар, маълумотлар, воқеалар, теледастурлар билан танишасиз.*

*Аслида ҳафталик билан яқиндан танишиш учун уни қўлга олиб ўқиганга нима етсин. Шундай бўлишини истасангиз уни газета дўконларидан сотиб олишингиз мумкин. Келгуси йил учун обуна ҳам давом этмоқда. «Давр» нашр кўрсаткичи — 572.*

## СОАТ МИЛЛАРИ АЙЛАНАДИ — ЖУМА ХАБАРЛАРИ

### • ХУШХАБАР

### МИНГ ЙИЛ ОЛДИН ВА...

*Давлатимизнинг асосий Нишонларидан бирига айланган Ҳумо қуши азал-азалдан халқимиз томонидан эъзозланиб келинаётгани ҳақидаги фикр Нукус шаҳри ёнида жойлашган қадим Кердор қалъасида олиб борилаётган археологик қазишмалар давомида яна бир марта тасдиқдан ўтди.*

*Ҳар йили ёз ойларида бу ерда қазишмалар олиб бораётган Нукус давлат педагогика институтининг тарих-ҳуқуқшунослик факультети ўқитувчи ва талабалари яқинда қалъа харобалари орасидан Ҳумо қушининг яққол тасвири туширилган сопол лаган бўлагини топдилар.*

*Пишган лойдан сирлаб ишланган бу топилманинг марказида Бахт қуши—Ҳумо бор бўйича қад тиклаб турибди.*

*Маҳаллий қадимшунослар мазкур ажойиб топилма Хоразм маданияти гуркираб гуллаб-яшнаган IX-XI асрларда яратилган, деган фикрни билдиришмоқда.*

**Ҳайитбой АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### • ТАДБИР

### ВАҚТИДА ЭККАН ЭРТА ЎРАДИ

*Бағдод туманида Фарғона вилояти қишлоқ хўжалиги мажмуи ходимларининг йиғилиши бўлиб ўтди, — дея хабар қилади ЎзА мухбири Расулжон Камолов. — Унда бошоқли дон экинлари экишни уюшқоқлик билан ўтказиш борасидаги долзарб масалалар муҳокама этилди.*

*Фарғона вилояти ҳокими Н.Мўминов олиб борган бу йиғилишда хўжаликларда бошоқли дон экинларини экиш ишлари кўнгилдагидек олиб борилмаётганлиги танқид қилинди. Зеро, жорий йилда 92 минг гектар майдонга бошоқли дон экинлари экиб, 404 минг 800 тонна дон етиштириш режалаштирилган. Лекин жойлардаги мутасаддилар кузги дон экиш ишларига етарлича эътибор бермаяпти. Йиғилишда, шунингдек, пахта йиғим-теримини янада жадаллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.*

### • КЎРГАЗМА

### КАТТА ЙЎЛДАГИ КАРВОН

*Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари «Дийдор» фотогалереясида хитойлик сураткашларнинг «Бугунги Хитой» номли кўргазмасини ташкил этди. У Хитой Халқ Республикасининг 49 йиллигига бағишланди. Таниқли фотоусталари бу юртнинг гўзал манзараларини, байрамларию бетакрор маросимларини сержило тасвирларга муҳрлаган. Кўргазманинг очилишида иштирок этган санъат ихлосмандлари гуллаётган, гуркираётган диёрнинг бугуни билан танишдилар.*

*Фотокўргазма Хитойнинг «Шадисо» корхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.*

**Раҳмон АЛИ.**

### • ҲУҚУҚ

### АДОЛАТ ТАНТАНАСИДАН МАМНУНМИЗ

*Бизнинг Бўстонлиқ туманидаги Боймирзаев номли акциядорлик жамиятимиз қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун икки дона Т-28 трактори, бешта прицеп, бир дона «косилка» ва олти дона балонларни «Туркистон» жамоа хўжалигига берган эди. Лекин йиллар ўтиши билан техника ва эҳтиёт қисмлари эвазига хўжаликдан ҳеч нарса ололмадик. Сўнг ўртамиздаги олди-берди ишларимизни қонуний ҳал қилиб бериш учун Тошкент вилояти хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилдик.*

*Суд даъвомизни қаноатлантирди. Яқинда суднинг ҳал қилув қарори ҳам ижро этилди. Мулкимизни қайтариб олдик. Адолат тантанасидан мамнунмиз.*

**К.ЙЎЛДОШЕВ, акциядорлик жамияти раиси.**

Соат милларини М. АЪЗАМОВ кузатди.

Телефонларимиз:
133-15-22, 133-52-55
133-07-48, 136-37-85

## Ишбилармонлар тажриба алмашди

Самарқандда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, соҳага хорижий сармояларни жалб этиш, замонавий технологияни жорий қилиш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Уни вилоят тадбиркорлар уюшмаси ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси ташкил этди.

Анжуманда ўзбекистонлик ишбилармонлар Германия, Нидерландия, Болгариянинг йирик фирма ва компаниялари вакиллари билан биргаликда маҳаллий бизнесни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш ва амалиётда қўллаш юзасидан фикр алмашдилар. Бундай алоқалар иқтисодиётни, жумладан, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, чет эллик ишбилармонлар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

**Ҳ. ШУКУРОВ, ЎзА мухбири.**

